

МАКТАБ



КУТУБХОНАСИ

ҲАМИД ОЛИМЖОН

зайнаб


ва

омон



84 57136
0-49 Запад Омск
Ясон, Западный ва
Омск, 1981г., 48б
Бахческий, 10м

**ВОЗВРАТИТЕ КНИГУ НЕ ПОЗДНЕЕ
обозначенного здесь срока**



ҲАМИД ОЛИМЖОН

ЗАЙНАБ
ва
ОМОН

ТОШКЕНТ — «ЎҚИТУВЧИ» — 1981

На узбекском языке

Школьная библиотека

ХАМИД АЛИМДЖАН

ЗАЙНАБ И АМАН

Ташкент — «Ўқитувчи» — 1981

Редактор *Сулаймонова Х.*

Мукова рассказы *Исҳоқов Э.*

Бадиий редактор *Бродский П.*

Техн. редакторлар *Комиссарова Н., Вахидова Ш.*

Корректор *Н. Шукурев*

Теришга берилди 16.04.1981 й. Босишига рухсат этилди 15.09.1981 й.
Формати $70 \times 100^{1/32}$. Офсет қогози. «Школьная» гарнитура. Кегли 10,
шпонли. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. л. 1,93. Нашр. л.
1,83. Тиражи 50000. Заказ № 798. Баҳси 10 т.


«Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.
Шартнома № 13-64-81.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари
Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш
бирлашмасининг Офсет босма фабрикаси. Тошкент, Усмон Юсупов
кӯчаси, 86. 1981 й.

Фабрика офсетной печати Ташкентского полиграфического производ-
ственного объединения «Матбуот» Государственного комитета УзССР
по делам издательства, полиграфии и книжной торговли. Ташкент,
ул. Усмана Юсупова, 86.

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1974 й.

70803 — № 315
A ----- вне плана — 81 4306010000
M 353 (04) — 81



КИРИШ

Сўйлаб берай Зайнаб ва Омон
Севгисидан бир янги достон.
Бир зўр оташ, бир зўр аланга
Икки қалбга туташгани рос,
Бир севгиким, жон берар танга,
Ҳам Зайнабу Омонларга хос.
Бу севгида йўл бошлар вафо,
Ҳам вафони емирмас жафо:
Бунда асло қора кун йўқдир,
Бунда мотамсаро кун йўқдир.
Хазон қилмас Зайнабни замон
Ва оташда ўртсанмас Омон,
Туши эмас, балки ўнгига,
Дилдорини кўтар бегумон.
Бир қиссаким, бунинг сўнгига
Севишганлар топишгусидир,
Жонлар жонга ёпишгусидир.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

I

Шод ўтади Зайнаб кунлари,
Кўнгли баҳор кўкидай тоза.
Кўкда учған қушларнинг бари
Шодлигидан олар андоза.
У яшайди беситам, безор,
У билмайди қайгуни, ғамни,
Оёқлари остига баҳор

Түшаб қўйган алвон гиламни.
Бутун дала баҳмал пояндоз,
Лола очиб қаршилар тоғлар,
Гулга тўлиб серишва, серноз,
Унинг кўнглин хушлайди боғлар.
Ҳар томонда баҳордан нишон,
Далалардан чопар Зарафшон.
Қарайди қиз, бамисоли тун
Кўзларида бутун бир олам
Ҳаёт тўла баҳорга мафтун,
Унга тамом бегонадир ғам.

II

Зайнаб ўсган элнинг мисли йўқ,
Зайнаб ўсган эл баҳтга тўлик.
Буни кўрган тез бўлар банда,
Буни инсон бир қур кўрганда,
Юрагида ҳеч армон қолмас,
Бунга жаннат тенглаша олмас.
Бунда қўшиқ айтган ариқлар
Қаршисида парилар йиғлар.
Қушларининг нағма-навоси,
Водийларнинг мармар ҳавоси,
Эрта баҳор очилган лола,
Қоялардан учган шалола,
Бинафшалар, ранго-ранг гуллар,
Шиша каби зангори кўллар,
Ҳамишалик дил тортар кўклам
Ва табиат тўқиган гилам;
Қорга чўмган ҳайбатли тоглар,
Шарқираган даво булоқлар —
Ҳаммаси бор, ҳаммаси маъмур...
Бунда ерга ойдан тушган нур
Салқин тунда ўзи бир қуёш,—

Чўмилади унга тоғу тош.
Новдаларда туғилган куртак
Ҳар кун тўқир янги бир эртак.
Бунда ҳамма, ҳамма нарса бор,
Бунда қизга толе бўлар ёр.
Бунда орзу қозонади от,
Бунда севги ёзади қанот.
Қўзгатади қиз ҳавасини,
Чиройига ранг беради гул.
Бунда қизга севги дарсини
Ўқитади энг аввал булбул.
Зайнаб шунда туғилған эди,
Шунда тўлиб етилған эди.

III

Одам зоти дунёдаки бор,
Унинг билан муҳаббатdir ёр;
Уни билмас юрак топилмас,
Уни билмас отлар чопилмас.
Севги... лекин бунда асрлар
Фожиаси соч ёзиб йиглар;
Йиглар ишқни емирган замон,
Йиглар севиб ўтга тушган жон.
Севги қалбнинг биринчи майли,
Лекин замон асира Лайли
Естифини бутун қурутган,
Коса-коса оғулар тутган;
Мажнунни у ўтказган ёрсиз,
Фарҳодни ҳам этган диёрсиз.
Бунда одам хўр бўлган кунлар.
Эрксизликдан чиқсан якунлар
Оинада бўлган намоён,
Жилва қилган севгисиз даврон.

Замон ўтган, замонлар ўтган...
Одам янги замонга етган.
Ҳамон севги одамга йўлдош,
Ҳамон севги қалбларга сирдош.
Шудир баҳор, очилган лола,
Шудир дилни қийнаган нола:
Шудир сабза, бинафша кўклам,
Шудир қизнинг бошидаги гам.
Шудир атири сочувчи раъно,
Шудир аччиқ ва ширин маъно;
Шудир этган қиз кўксини оқ
Ва йигитнинг кўкрагини тоғ.

IV

Зайнабнинг ҳам тоза, осуда,
Доғ кўрмаган маъсум қалбida
Севги япроқ ёзиб қолибdi
Ва фикрига ғавғо солибdi.
Кокиллари унинг тол-тол,
Лабларида битган қора хол
Бир дунёга арзигудай бор,
Кўзлар ёниб ахтарар бир ёр.
Ер ахтариб боққандада қийғоч,
Қоши бўлиб худди қалдирғоч,
Атрофида ойлар чарх урад,
Теграсини юлдузлар ўрад.
Покизадир қизнинг тилаги.
Оппоқ қордай бўлиб кўкраги
Кўтарилар ҳамон юқори;
Ул ҳозирча севгининг зори,
Озоридан хабарсиз ва шод;
Севгидаги шодлик бирла дод
Унга ҳали тамом бегона,
Билмас ҳали у ёна-ёна

Муродига етажагини.
Маҳкам ушлаб ёр этагини,
Кетарман деб ўйланар осон,
Иш битар деб ўйлар бефигон.
Шунинг учун Зайнаб, ниҳоят,
Севиб қолди биронни ғоят;
Кўнгил қуши талпиниб қолди,
Юрагида ўт ёниб қолди.

V

Ўрик гуллар Зайнаб боғида,
Кўп йигитлар бор қишлоғида.
Кўп йигитга тушади кўзи,
Лекин шунга ҳайронки ўзи,
Кўнгли фақат Омонни дейди;
Шу юракни, шу жонни дейди.
Ва ҳолбуки бошқа йигитлар
Ҳеч кам эмас, у яхши билар.
Агар бири ёёса қулочин,
Парвоз қилар кўкларда лочин.
Ҳаводаги қушларни тутар,
От чопганда яшиндан ўтар,
Ғоз сингари қўнар кўлларга,
Сув оқизар сахро, чўлларга —
Ҳаммаси ҳам қиличдан ўткир,
Ҳаммаси ҳам Рустам каби зўр,
Нега севди Омонни, нечун?
Зайнаб билмас қалбининг кучин.
Нега этди уни ихтиёр?
Билолмайди изоҳи душвор.

VI

Ва ҳолбуки, ҳозир туну кун,
Ўшандадир хаёли бутун.

Күйгүн борса ўша қошида,
Үн түткөзига кирган ёшида,
Шамол текісан гул барғи каби
Уннинг қалби дир-дир титради.
Севганини билади, холос.
Фақат нечун, қайдадир асос?
Ахир кимдир күнгил қүйгани,
Қайси барно шунча севгани?
Нимаси бор, нимаси ёқар,
Қайси оташ қалбини ёқар?
Билмай туриб севганда шунча,
Йўл бошлади қайси тушунча?
Ҳеч бирини ўйлаб кўрмайди,
Ҳеч бирига жавоб бермайди.
Уннинг фақат бир асоси бор,
Шу асосга зўрдир эътибор:
Эл сўйларкан доим ёмонни,
Атамайди ҳеч бир Омонни.
Шунинг учун яшайди бедод,
Шунинг учун нафас олиб шод
Баҳор каби тўлиб боради,
Ҳар кун гулдай бўлиб боради.

VII

Ярим оқшом, чумчуқлар тинган,
Ҳамма қора лиbos кийинган,
Сойларда тун, саҳроларда тун,
Дараларда, водийларда тун,
Япроқларда тун ётиб ухлар,
Сойликларда тун қотиб ухлар.
Тун ўрмалар тоғ бошларида,
Тун Зайнабнинг қарашларида.
Лекин ҳали ўтирас уйғоқ,
Олдидаги бир саҳифа оқ

Қоғоз узра тинмай тикилар,
Күз нурлари унга түқилар:
«Сени, Омон, күргандан бери,
Күзларимга уйқу келмайди.
Сенга майл қўйгандан бери,
Хеч нарсага кўнгил тўлмайди...»
Ўйлаб-ўйлаб тўхтаб қолади,
Оғир-оғир нафас олади.
Ёзганларин ўқийди такрор,
Юрагида уйғонади ор
Ва қоғозни йиртиб ташлайди,
Яна олиб ёза бошлайди:
«Севганимни қилмай ошкора,
Омон ўзи сўз очса зора,—
Хаёлида юрар эдим жим,
Фақат кутмоқ бўлмишиди бурчим
Ва, ниҳоят, сабр ила қарор
Тугади-ю бошладим икрор...»
Боз ўқиди, кўнгли тўлмади,
Яна айтганидай бўлмади.
«Езолмадим» деди-да ўзи,
Рўпарада турган қоғозни
Парчалади. У энди бу бор
Езмасликка айлади қарор.

VIII

Бир силкиниб ўрнидан турди,
Недир ўйлаб илгари юрди,
Атрофи жим, ҳамма уйқуда,
Кўкдаги ой акс этар сувда;
Елғиз майин, енгил шаббода
Водий ичра танҳо тентирар.
Симоб каби тиниқ ҳавода,
Шитирлашиб япроқлар титрар.